

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Азамат Акрамов,

*Тошкент молия институтини мустақил изланувчиси,
Тошкент, Ўзбекистон. Email: azamataar@yandex.com*

FEATURES OF THE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT IN UZBEKISTAN

Azamat Akramov,

*Independent researcher of Tashkent Institute of Finance,
Tashkent, Uzbekistan. Email: azamataar@yandex.com*

JEL Classification: H1, H41

Аннотация.

Мақолада Ўзбекистонда давлат харидларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Шунингдек, давлат харидларини ташкил этишнинг амалдаги ҳолати таҳлил этилган. Шунга кўра, ҳар бир мамлакат молиявий тузилмасида давлат харидлари тизимининг мавжуд бўлишининг объектив асослари сифатида юклатилган функциялар ва ваколатларнинг давлат томонидан бажарилиши ҳисобланади. Давлат харидлари воситасидан мамлакатлар ушбу ўзига юклатилган стратегик ва долзарб вазифаларни ҳал қилишида кенг фойдаланишади. Жумладан, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, айниқса молиявий-иқтисодий инқирозлари даврида мамлакат фуқаролари олдидаги мажбуриятларни бажариш, миллий хавфсизлик ва қонунийликни мустаҳкамлаш, йирик инфратузилма лойиҳаларини ривожлантириш, инновацияларни жорий этиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш, давлат захираларини яратиш ва уларни сақлаш, давлат аппарати фаолиятини таъминлаш кабиларни амалга оширишида давлат харидлари самарали ҳисобланади.

Бугунги кунда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири бу – мамлакатимиз иқтисодиётини рақамли иқтисодиёт

босқичига кўтариш ва иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда либераллаштиришида давлат харидларини ташкил қилиш механизмини такомиллаштириш. Ҳозирги кунда дунёда кўплаб мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат хариди тизимини ислоҳ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳукумат томонидан харид жараёнларининг очиқ-ойдинлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида электрон савдо жараёнларидан фойдаланиш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш орқали савдоларда рақобатни кучайтириш бўйича қатор тадбирлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида халқаро тажриба ва иқтисодий ислоҳотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда давлат харидларини ташкил этиш бўйича ўзига хос тизим шакллантирилди. Бунда асосий урғу бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, харид жараёнида кичик бизнес субъектларига кўпроқ имтиёзлар бериш ҳамда давлат харидлари тизимининг мавжуд механизмини халқаро андозаларга мос ҳолда ташкил этиш хусусиятларига қаратилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, давлат харидларини амалга оширишни тартибга солишнинг такомиллашуви давлат харидини

механизмини ривожлантиришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимизда давлат харидини тартибга солиш тизимини ислоҳ этишни тақозо қилади. Давлат буюртмаларини жойлаштириш, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида жаҳон амалиётида харидлар зарурлигини режалаштиришдан тортиб, ҳукуматни рағбатлантириш учун махсус қарорлар қабул қилишгача бўлган воситалар тўплами ишлаб чиқилган.

Abstract. The article highlights the specific features of public procurement organization in Uzbekistan. Also, the current situation of the organization of public procurement is analyzed. Accordingly, in the financial structure of the country, the performance of the assigned functions and powers by the state is considered as an objective evidence of the existence of the state financial system. The state budget is widely used by the country to solve the strategic and practical tasks assigned to it. Among them, the protection of macroeconomic stability, the fulfillment of the country's obligations in the face of the financial and economic crisis, the strengthening of national security and legitimacy, the development of the infrastructure project, the innovation and financial support, the completion of the state budget and the protection of the state, and the provision of the operation of the state apparatus. In its implementation, the state will be fully involved.

One of the most important goals of the large-scale reforms that are being implemented in the country today is to raise the economy of our country to the level of a full-fledged economy and to improve the mechanism of organizing the state economy in the development of the economy and liberalization. Today, many countries in the world, including Uzbekistan, pay great attention to the integration of the public health system. In order to ensure the openness, transparency and transparency of the government, the government is actively

implementing the use of the electronic voting system, the wide involvement of the business community in the public service system, and the strengthening of the competition in the public service. It is worth noting that during the past period in our country, based on the needs of the people and economic reforms, a unique system for the organization of the state budget was formed. In this case, the main goal was to make full use of the budget funds, to give many privileges to the small business sector in Japan, and to organize the existing mechanism of the state insurance system in accordance with national standards.

Taking into account the above, the improvement of the implementation of the state budget requires the development of the mechanism of the state budget. This, in its turn, requires the introduction of a system of public funding in our country. In order to increase the effectiveness of using financial assistance in the prevention of public procurement, co-optation, and other crimes, a set of recommendations has been developed in the world practice.

Калим сўзлар. давлат харидлари, нарх сўрови, электрон дўкон, тўғридан-тўғри шартнома қилиш, инвестиция лойиҳалари, ягона буюртмачи

Keywords. public procurement, price request, e-shop, direct contracting, investment projects, single customer

Кириш. Жаҳонда давлат харидлари тизимида замонавий шакл ва тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ҳаётий заруратга айланди. Давлат харидларининг такомиллаштирилиши ушбу соҳанинг мукамал қонунчилик базасини яратиш ва уни халқаро тажрибага мос равишда ривожлантириш билан ҳам узвий боғлиқдир. Бунинг баробарида, давлат харидлари – бу иқтисодий ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институти бўлиб, доимий равишда шартнома тизимини такомиллаштиришни талаб қилади. Биринчидан, бу давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиш жараёни бўлиб, бу жамиятнинг турли хил товарлар ва хизматларга бўлган шошилини

эҳтиёжларини қондиришга имкон беради. Иккинчидан, давлат харидлари сектори ялпи ички маҳсулотнинг катта қисмини - камида 7 фоиздан 30 фоизгача эгаллайди. Учинчидан, давлат учун харидлар бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараён дир. Бироқ, давлат харидларини самарали ташкил қилиш борасида мамлакатимизда яратилган имкониятлар етарли даражада ўзини оқламапти.

Сўнгги йилларда давлат харидлари сезиларли даражада йўқотишларга олиб келди. Айниқса, давлат харидлари билан боғлиқ бўлган савдоларни суистеъмол қилиш ва аниқланган қоидабузарликларнинг кўпайиши давлат, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, корхоналар ва жамоатчиликни жиддий ташвишга солмоқда. Ушбу шароитларни ҳисобга олган ҳолда, харидлар соҳасида самарали давлат сиёсатини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш сифатида коррупцияга қарши мониторингни ўтказиш заруратини келтириб чиқараяпти. Ушбу муаммонинг ечими рақамли иқтисодиёт шароитида маълумотларни тўплаш, шаффофликни таъминлаш ва маълумотларни таҳлил қилиш асосида давлат харидлари соҳасидаги реал ҳолат тўғрисида тасаввурга эга бўлиш ва давлат эҳтиёжлари учун харидлар шартлари ва шаффофлигини таъминлаш механизмларини жорий этишга имкон берадиган рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ахборот таъминоти тизимини ривожлантириш орқали таъминланиши керак [1,2].

Ҳали ҳам коррупцияга қарши мониторинг учун умумэтироф этилган кўрсаткичлар, харидларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларни инобатга олган, давлат харидлари ҳажми ва тузилиш комплексини баҳолайдиган оптимал тизим шаклланмаган. Шу муносабат билан рақамли иқтисодиёт шароитида давлат харидлари механизмини

такомиллаштириш мавзуси давлат хариди сиёсатини амалга оширишда коррупцияга қарши мониторингни, харидларни тартибга солиш ва бошқариш тизимини ривожлантириш объектив равишда долзарб дир. Дунёнинг тараққий этган мамлакатларида давлат харидлари орқали мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларини ривожлантиришга эришадилар. Давлат харидлари улуши ЯИМда ривожланаётган мамлакатларда 25 фоизгача ва ривожланган мамлакатларда 30 фоиз ва ундан юқори миқдорда бўлмоқда [3].

Ўзбекистонда Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда давлат харидлари тизимини бошқаришни баҳолаш усул ва мезонлари, давлат харидларини амалга ошириш тамойилларини такомиллаштириш, товарлар ва хизматларни йирик ҳажмда харид этишнинг самарали шакли сифатида очиқ танловлар ўтказиш, харидларни амалга ошириш жараёнида самарадорликни оширадиган инновацион воситаларни қўллаш, жами харид жараёнлари, буюртмаларни жойлаштириш, нархларни таклиф қилиш, шартномаларни тузиш, етказиб бериш хизмати, тўловларни электрон савдо дўконлари ёрдамида ўтказиш, буюртмалар ва товар (иш, хизмат) етказиб берувчиларнинг интернет тизими орқали харидларни амалга оширишда рақамли иқтисодиётнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали илмий изланишлар изчил амалга ошириб, олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, бизнинг мамлақатамизда ҳам ушбу кенг қўламли масала юзасидан давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасида таъкидланганидек, ҳозирги кунда давлат харидларида атиги 4 фоиз тадбиркор қатнашмоқда. Келгуси йилда 24 та йирик давлат корхонасига давлат хариди бўйича очиқ-ошкора талаблар жорий этилади. Натижада маҳаллий тадбиркорларимиз ҳар йили камида 10 триллион сўмлик

маҳсулотларини ушбу корхоналарга сотиш имкониятига эга бўлади. Бундан буён барча давлат харидлари жамоатчилик ва Парламент назоратида бўлиши белгиланди. Бунинг баробарида давлат харидлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва рақобатни кучайтириш мақсадида давлат харидлари бўйича барча маълумотларни жамловчи, махсус ахборот порталлари ва шу каби бошқа ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро электрон ҳамкорликни таъминловчи Давлат харидлари марказий ахборот порталини ишга тушириш мақсад ва вазифалардан бири деб белгиланди [4].

Материал ва метод. Давлат харидлари ва уни ташкил этиш давлатнинг молиявий-иқтисодий муносабатларида муҳим ўринга эга. Шу мақсадда, мазкур тизимни ташкил этиш ва унинг фаолият механизмини аниқроқ тушуниш учун “давлат харидлари”, “давлат харидларини ташкил этиш” кабиларнинг мазмун-моҳиятини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Кўпгина илмий адабиётларда давлат харидлари тўғрисида турли ёндашув ва қарашлар мавжуд. Давлат харидлари тушунчаси А.А.Макаров ва қатор олимларнинг таърифларига кўра, мамлакатда ёки хорижда ишлаб чиқарилган, давлат томонидан давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ҳисобига ўз ресурсларини манфаатли жойлаштириш йўли билан харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар деб тушунилади [5].

Россиялик тадқиқотчилардан профессор Л.И.Юзвович ва Н.Ю.Исаковаларнинг фикрича, давлат

ёки коммунал эҳтиёжларни қондириш учун товарлар, ишлар, хизматлар харид қилиш - буюртмачи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган ва давлат ёки коммунал эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир [6]. Шунингдек, самарали яшил давлат харидлари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бораётган Норвегия фан ва технология университети профессори Mieko Igarashi томонидан билдирилган фикрга кўра, яшил давлат харидлари барқарор ривожланишнинг яқиний мақсади билан йигирма йилдан ортиқ вақт давомида бутун дунё бўйлаб сиёсий мавзу бўлиб келган. Давлат харидлари катта харид қобилиятига эга бўлганлиги сабабли, барқарор истеъмол ва ишлаб чиқаришни қўлга қўйиш ва оширишга сезиларли ҳисса қўшиши кутилмоқда. Сўнгги пайтларда давлат секторига тобора кўпроқ босим ўтказилмоқда, бироқ давлат харидларининг ҳуқуқий асослари доирасида бюджет харажатлари бошқариш мумкин. Ҳуқуқий базалар очиклик, адолатлилик, масъулият ва бошқаларни давлат хариддорларига, шунингдек, қатъий риоя қилиниши керак бўлган тартиб-қоидаларни юклайди [7].

Бундан ташқари, С.Турабов бюджет ташкилотларининг давлат харидларини амалга оширишдаги молиявий муносабатларини такомиллаштириш йўллари бағишланган илмий-тадқиқотларида давлат харидлар тизимини шаклланиши ва ривожланишини ўрта асосий босқичга ажратиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилади [8]. Унга асосан:

1-жадал

Давлат харидлар тизимини шаклланиши ва ривожланиши асосий босқичлари [8]

Давр	Хусусиятлари
<p>Биринчи босқич: дастлабки босқич (XIX аср - XX аср бошланиши)</p>	<ul style="list-style-type: none"> - давлат харидлари тизимлашмаган; - асосан мудофаа эҳтиёжлари учун амалга оширилган; - бюджет маблағлари фақат давлат корхоналарига ажратилган; - протекционистик сиёсатга устуворлик берилган; - ички рақобатни ривожлантиришга қаратилган;

	<ul style="list-style-type: none"> - харидларга чет эллик ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларни кириши чекланган.
<p>Иккинчи босқич: миллий давлат хариди тизимларини шаклланиш босқичи (XX аср 40-70 йиллар)</p>	<ul style="list-style-type: none"> - иқтисодий сиёсатни амалга ошириш воситасига айланди; - давлат харидларига «адолатлилик» тамойили тадбиқ этилди; - ривожланган мамлакатларда илк бор давлат харидларини тартибга солувчи миллий қонунчилик шакллантирилди; - ижтимоий сиёсатни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллади; - миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, иш билан бандликни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда фойдаланилди; - хорижий корхона ва ташкилотларга нисбатан протекционистик сиёсат давом эттирилди; - давлат харидларида ички хўжалик субъектларига устуворлик бериш сиёсатининг салбий оқибатларини баҳолаш бошланди.
<p>Учинчи босқич: глобаллашув босқичи (XX аср 70 йиллардан бошлаб ҳозирги вақтгача)</p>	<ul style="list-style-type: none"> - давлат харидлари қонунчилиги бўйича давлатлар ўртасидаги миллий фарқланишнинг бартараф этилиши; - давлат харидлари бозорига кириш учун ягона паритет тадбиқ этилиши; - давлат харидлари тўғрисида ягона ахборот тизимини шакллантирилиши; - давлат харидларини асосий тамойилларини мажбурий жорий қилиниши

Булар қаторида кўпгина илмий адабиётларда давлат харидларнинг мамлакат иқтисодиётини рағбатлантиришга қаратилган давлат эҳтиёжларини қондириш, давлат харажатларини тартибга солиш, бюджет маблағларидан тежамли фойдаланиш, нархларни белгилаш ёрдамида тартибга солиш функцияси, ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига бевосита таъсир қилиш, янги товарлар, ишлар, хизматларни ўзлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш, бюджет харажатларини башорат қилиш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш имконини берадиган каби функциялари берилган.

Юқорида келтирилган давлат харидлари тушунчасига берилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда шуни

айтиш мумкинки, “давлат харидлари” тушунчасига қуйидагича муаллиф таърифини бериш мумкин:

давлат харидлари – харид қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар)дан самарали фойдаланиш мақсадида давлат бюджети маблағлари ҳисобига давлат эҳтиёжларни таъминлаш учун уларни етказиб берувчилар ва буюртмачилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олган тизимдир.

Шуни таъкидлаш керакки, амалий нуқтаи назардан, ҳар қандай тадқиқотлар доирасидаги муҳим ҳолат очиқ маълумот манбаларида маълум кўрсаткичларни олиш имкониятини бериши керак. Шу нуқтаи назардан, давлат харидларининг қуйидаги комплексларини шакллантириш, улар тўғрисида ягона маълумот тизимидан ахборот олишни таъминлаб беради.

Давлат харидлари кўрсаткичлари¹

Кўрсаткичлар номи	Асосий кўрсаткичлар
Давлат харидлари	<ul style="list-style-type: none"> - давлат харидлари тўғрисидаги билдиришномалар ва баённомаларни нашр этиш шартларини бузган ҳолда амалга оширилган харидлар сони; - эълон қилинган процедураларнинг умумий сонидаги қоидабузарликлар билан процедуралар сони; - жаримани қўлламаган шартномаларнинг бажарилиш сони; - ташаббуси билан тузилган шартномалар сонига нисбатан бир томонлама бекор қилинган шартномалар сони ва бошқалар.
Давлат хариди ҳажми	<ul style="list-style-type: none"> - битта етказиб берувчидан сотиб олиш ҳажми; - кичик бизнес субъектларидан харидлар ҳажми; - электрон платформалар ёрдамида амалга оширилган харидлар ҳажми; - тежалган харидларнинг абсолют миқдори ва бошқалар.
Давлат хариди тузилмаси	<ul style="list-style-type: none"> - очиқ ва ёпиқ бўлишига қараб танловларни тақсимлаш; - танловларни чеклаш ва босқичма-босқич тақсимлаш; - ёпиқ ким ошди савдосининг улуши; - электрон аукционларнинг улуши. - марказлаштирилган харидларнинг улуши; - қўшма харидларнинг улуши; - битта етказиб берувчидан сотиб олиш улуши ва бошқалар.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари тизими рақамли иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланишига, халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга асос бўлиб, хизмат қилиш зарурлиги кенг тарғиб қилинмоқда.

Натижалар. Давлат буюртмасини амалга ошириш, қайси мамлакатда ва қайси жойда бўлишидан қатъи назар, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан:

- давлат харидлари давлат ёки ҳудудий бюджетлар, солиқ ва бошқа турдаги даромадлар ҳисобидан шаклландирган махсус давлат ва бюджетдан ташқари жамғармалар, шу жумладан, юридик ва жисмоний


шахсларга пуллик хизматлар кўрсатиш бўйича давлат идоралари фаолиятдан тушадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

- товарларни (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасида давлат буюртмаларини жойлаштириш, қоида тариқасида, давлат томонидан махсус ташкил этилган савдолар ёки савдолар асосида амалга оширилади;

- давлат харидлари тизими давлат буюртмачилари ва давлат буюртмалари соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни бузганлик учун буюртмаларни жойлаштириш иштирокчиларининг моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик мавжуд.

¹ Муаллиф томонидан тадқиқотлар натижасида тайёрланди.

1-расм. Давлат харидлари тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш механизми²



Ўзбекистонда давлат харидларини ташкил этиш ва амалга оширишнинг амалдаги механизмига мувофиқ қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жумладан, давлат харидларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари мазкур фаолиятни амалга оширишда бир

қатор тамойилларга амалга қилиш лозимлигини талаб этади. Ушбу тамойиллар жумласига қуйидагиларни киритиш ўринлидир:

- давлат харидларини амалга оширишнинг аниқ механизмнинг белгиланганлиги;

² Муаллиф ишланмаси.

- давлат харидлари соҳасидаги касбий маҳорат ва масъулиятлилики;
- давлат харидлари амалга оширишда қонунийликка асосланганликнинг устуворлиги;
- давлат харидлари жараёнида буюртмачилар томонидан молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ҳамда самарадорлигининг таъминланганлиги;
- давлат харидлари жараёнининг очиқлиги ва амалга ошириш механизмининг шаффофлиги;
- давлат харидларини ташкил этишда рақобат ва холисликнинг таъминланганлиги;
- харидларни амалга оширишда объект ва субъектлар иштирокининг мутаносиблиги;
- давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;
- давлат харидларини амалга оширишда коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига йўл қўймасликнинг аҳамиятлилиги.

Юқоридаги тамойилларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, давлат харидлари амалга ошириш, ушбу фаолиятни ташкил этиш жараёнидаги тамойиллар давлат харидлари механизмини амалга ошириш жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши лозимлигини англатади. Давлат харидларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – харидларни амалга оширишнинг ягона тизимли механизмининг белгилаганлигидир.

Давлат харидларининг муҳим хусусиятларидан бири – харидларнинг шаффоф ва очик-ошкора равишда ташкил этилишидир. Аммо, бу борада, қатор муаммоли ҳолатларнинг мавжудлиги давлат харидларининг шаффорлигини таъминлашга тўсиқ бўламоқда. Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг маълумотларига кўра, “2021 йилда биргина давлат харидлари жараёнида 763 та ҳолатда 971,1 млрд

сўмлик битимларда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган. Албатта, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мумкин эди. Аммо амалдаги қонунларимизда бунга қарши аниқ механизмлар бўлмагани боис, шундай ҳолатлар борган сари кўпаймоқда [9]”. Бу борада, манфаатлар тўқнашуви – бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда унинг шахсий манфаатдорлиги билан давлат харидлари субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келадиган ёхуд юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятдир, шунингдек аффилиланганликнинг мавжуд бўлиши. Давлат буюртмачисининг, давлат харидлари электрон тизими операторининг, ихтисослашган ташкилотнинг, эксперт ташкилотининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари ҳамда экспертлар харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлган ҳар қандай шахсий фойдани бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас [10].

Давлат харидлар шу кунга қадар тўғридан-тўғри шартномалар асосида ёки танлов ва тендер савдолари орқали амалга оширилди. Бундай вазиятларда давлат харидларини амалга оширишда рақобат муҳитининг етарли эмаслиги, танлов ва тендер ғолибини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги туфайли манфаатлар тўқнашувига олиб келиб, коррупцион ҳолатларни келтириб чиқарар эди. Аукцион ўтказилмаган ҳолатларда ягона етказиб берувчидан товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш бўйича давлат шартномаларини тузиш кўплаб сабабларнинг натижасидир, аммо амалиёт шуни кўрсатадики, мавжуд камчиликларнинг барчаси буюртмани жойлаштириш механизмидадир. Агар

буюртмаларни жойлаштиришни тўғри бошқарилишини таъминланса ва етказиб берувчилар (ижрочилар, пудратчилар) нинг тендерларда қатнашишга бўлган қизиқиши оширилса, унда муваффақиятсиз ўтказилган тендерлар, ким ошди савдоси ва нарх котировкаларини жойлаштириш муаммоси ўз-ўзидан йўқолади.

Ўзбекистонда давлат харидларини амалга ошириш бугунги кунда “Давлат харидлари электрон тизими – <https://xarid.uzex.uz>” орқали амалга оширилиб, аукцион, электрон дўкон, миллий дўкон, электрон энг яхши таклифни танлаш, шунингдек электрон тендер каби дарчаларда амалга оширилади. Шунингдек, “Давлат харидлари электрон тизими”да электрон дўкон орқали давлат харидлари амалга оширилади. Электрон дўкон орқали давлат харидлари аукцион, энг яхши таклифларни танлаш, тендер ва хадли келишув асосида амалга оширилади. Унга асосан, электрон дўкон орқали бюджет

буюртмачилари томонидан БҲМнинг 2500 баробаригача бўлган товарлар, корпоратив буюртмачилар томонидан эса БҲМнинг 25000 баробарига бўлган товарлар харид қилинади.

Бундан ташқари, корпоратив буюртмачилар БҲМнинг 50 баробаригача бўлган миқдорда ҳамда корпоратив буюртмачилар эса БҲМнинг 100 баробаригача бўлган ҳажмли иш ва хизматлар харидини айнан ушбу электрон дўкон орқали амалга оширилиши кўзда тутилган. Аммо, айнан бир турдаги товарлар учун давлат харидлари фақатгина бюджет буюртмачилари томонидан БҲМнинг бир молияда йилида 10000 баробари миқдорида электрон дўкон орқали харид қилиниши белгиланган. Айнан бир турдаги иш ва хизматлар бўйича давлат харидлари эса бюджет буюртмачилари томонидан бир молия йилида БҲМнинг 500 баробаригача, корпоратив буюртмачилари томонидан БҲМнинг 1000 баробаригача электрон дўкон воситасида амалга оширилади.

3-жадвал

Электрон дўкон орқали давлат харидларини амалга ошириш таҳлили [11]

Йиллар	Давлат хариди ҳажми, млрд. сўм		шундан:					
			Бюджет буюртмачилари			Корпоратив ва стратегик буюртмачилар		
	Битим сони	Битим суммаси	Битим сони	Битим суммаси	Фойзда	Битим сони	Битим суммаси	Фойзда
2018 йил	399 351	593,8	320 960	406,2	68,4	78 391	187,6	31,6
2019 йил	546 498	1019,7	371 577	546,3	53,57	174 921	473,4	46,4
2020 йил	384 345	640,5	341 409	495,6	77,38	42 936	144,9	22,6
2021 йил	746 285	3800	562 177	2 492,90	65,60	184 108	1 307,10	34,4
2022 йил 1-чорак	113 296	1226,9	64 478	595,8	48,56	48 818	631,1	51,4

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, электрон дўкон орқали амалга оширилган давлат харидлари бюджет ва корпоратив буюртмачилар томонидан амалга оширилган бўлиб, 2018 йилда мазкур электрон дўкон орқали жами 399351 дона битим билан умумий

қиймати 593,8 млрд ўсмилик давлат харидлари амалга оширилган. Мазкур давлат харидларининг 68,4 фоизи бюджет буюртмачилари томонидан 320 960 дона битим тузиш орқали, шунингдек, 78 391 дона битим орқали 187,6 млрд сўмлик давлат харидлари амалга оширилган. 2019

йилда амалга оширилган жами 546 498 дона битим билан умумий қиймати 1019,7 млрд ўсмлиқ давлат харидларининг 53,57 фоизи, яъни 546,3 млрд сўми бюджет буюртмачилари томонидан, 174 921 дона битим эса корпоратив буюртмачилари томонидан тузилган бўлиб, ушбу битимлар орқали 473,4 млрд ўсмлиқ давлат харидлари электрон дўконда амалга оширилган. Ушбу тузилган битимлар ҳажмида 46,4 фоизни ташкил этган. 2020 йилда эса бюджет буюртмачилари томонидан тузилган 341 409 дона, умумий ҳажми 495,6 млрд сўмлиқ давлат харидлари электрон дўконда амалга оширилган бўлса, шундан 384 345 дона битим воситасида жами 640,5 млрд сўмлиқ давлат харидлари бюджет буюртмачилари томонидан ҳамда умумий қиймати 144,9 млрд сўм бўлган 42 936 дона битимлар корпоратив буюртмачилар томонидан электрон дўкон орқали савдолар амалга оширилган. 2022 йилнинг 1-чорагида эса электрон дўкон орқали тузилган 113 296 дона бўлган, умумий қиймати 1226,9 млрд сўм бўлган давлат харидлари амалга оширилиб, ушбу давлат харидларининг 64 478 дона битим билан 595,8 млрд сўми (умумий битимлар ҳажмида 48,56 фоиз) бюджет буюртмачилари, қолаверса 48 818 дона бўлган, умумий ҳажми 631,1 млрд сўмни (умумий битимлар ҳажмида 51,4 фоиз) ташкил этган давлат харидлари корпоратив буюртмачилар томонидан амалга оширилган. Айтиш мумкинки, ягона буюртмачи ёки тўғридан-тўғри шартнома орқали давлат харидларини амалга ошириш усулларида кўра, электрон дўкон орқали давлат харидларини амалга оширишда бюджет буюртмачилари ва корпоратив буюртмачиларнинг фаоллигини кўриш мумкин.

Мунозара. Давлат харидлари доирасида давлат буюртмачиси электрон дўконда иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишни, хизматни) танлаш ва товар (иш, хизмат)

танланганидан кейин нархлар сўрови механизмидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради. Натижада, давлат харидларини амалга оширишда электрон дўконда харид қилиш тартиб-таомилини ўтказиш меҳнаизми такомиллаштирилади. Шунингдек, бу орқали бюджет буюртмачиси нархларни қиёсий солиштириш, мавжуд маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бюджет маблағларининг тежалишини ҳисоб-китоб қилиш имконияти яратилади.

Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимда, нархлар сўрови механизмини амалга оширган ҳолда танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига, шунингдек электрон дўконда ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган барча иштирокчиларга харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш тўғрисида таклифлар юборилишини таъминлайди. Иштирокчиларга юборилаётган нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф давлат буюртмачиси томонидан танланган иштирокчининг офертасига доир ҳаволани ўз ичига олади. Харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш таклифини олган иштирокчи давлат буюртмачиси томонидан танланган оферта нархидан пастроқ нарх бўйича таклиф киритишга ҳақли. Иштирокчилар томонидан берилган нарх бўйича таклифларни таққослаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик режимда амалга оширилади. Давлат харидларининг электрон тизими давлат буюртмачиси ва энг паст нархни таклиф қилган ижрочи ўртасида тузилган битимни рўйхатдан ўтказилади [12].

Давлат бюджети молиявий маблағларидан самарали фойдаланган ҳолда, давлат харидларини амалга оширишда электрон давлат харидларининг ролини янада ошириш муҳимдир. Бунинг учун давлат харидлари амалиётини янада такомиллаштириш, унда электрон харидларининг мавқеини

кучайтириш ва давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишни таъминлаш зарур.

Хулоса. Умуман олганда, давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларини амалга ошириш жараёнлари ва босқичлари, буюртмачилар ва етказиб берувчиларни аккредитациядан ўтказиш, махсус ахборот порталида савдоларини ўтказиш тўғрисидаги эълонни жойлаштириш, буюртмачилар ва етказиб берувчилар томонидан аванс тўловларини тўлаш, буюртмачилар буюртманомаларини (лоталари)ни шакллантиришни ўз ичига олади. Аҳамиятлиси, давлат харидларини амалга

ошириш тизимини такомиллаштириш, харидларни амалга оширишнинг барча босқичларида инсон омилининг аралашувини камайтириш асосида электрон харидлар улушини ошириш мақсадида жараённи янада соддалаштириш лозим, яъни давлат харидларида иштирок этиш учун тўланадиган операторнинг воситачилик йиғими миқдорининг юқори чегаралари минимал баҳода белгилаш ҳамда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларида хорижий етказиб берувчилар билан бирга бир нечта маҳаллий корхоналар-ишлаб чиқарувчилар иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Moe C, Newman M, Sein M. The public procurement of information systems: dialectics in requirements specification. *European Journal of Information Systems* (2017) 26, 143-163
2. Komakech R.A. Public Procurement in Developing Countries: Objectives, Principles and Required Professional Skills. *Public Policy and Administration Research* www.iiste.org ISSN 2224-5731(Paper) ISSN 2225-0972(Online) Vol.6, No.8, 2016
3. Губченко Л.С. Государственные закупки в развивающихся странах.//Российский внешнеэкономический вестник, №7, 2016. –Б.112.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. <https://prezident.uz/uz/lists/view/4057>
5. А.А.Макаров. Развитие организационно-экономического механизма противодействия коррупции в системе органов внутренних дел. диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.05 2009.
6. Л.И.Юзвович, Н.Ю.Исакова и др. ; под ред. Л. И. Юзвович, Н. Ю. Исаковой. – Система государственных закупок: теоретический и практический аспекты : монография / Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – 233 с.
7. Mieko Igarashi. Doctoral theses at NTNU, 2018:223. Towards more effective green public procurement Empirical and conceptual studies of environmental criteria in decision-making and information processing. Norwegian University of Science and Technology Faculty of Economics and Management Department of Industrial Economics and Technology Management.
8. Турабов С. Бюджет ташкилотларининг давлат харидларини амалга оширишдаги молиявий муносабатларини такомиллаштириш йўллари. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2021.
9. https://parliament.gov.uz/uz/events/fractions/39107/?sphrase_id=8318577
10. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5382974>
11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари.